

---

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ**  
**JOURNAL OF SOCIAL STUDIES**

---

**Аллаярова Солиха Нарзуллоевна**  
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
фалсафа фанлари номзоди  
e-mail: s.allayarova@nuu.uz

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА АКТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-5>

---

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада олий таълим ўқув жараёнида педагогик технологиялар ва замонавий АКТларнинг ўрни тадқиқ этилган. Унда педагогик ва АКТлари ҳозирги замон таълим парадигмасига таъсир этувчи омиллар сифатида таъкидланиб, фан-техника ривожининг охириги натижаларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш замон талаби эканлиги асосланган. Бу борада ЮНЕСКО фаолияти намуна сифатида келтирилиб, шунга мос тарзда республикамиз қонунчилигида олиб борилаётган ўзгариш ва ислохотлар мазмуни баён этилган.

Ўзбекистонда сўнги йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг қатор механизмлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Бироқ шунга қарамасдан, соҳада қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилаётган ПЗ-20170929789-сонли лойиҳа доирасида ўтказилган социологик тадқиқот ана шундай муаммо, камчиликларни аниқлашга хизмат қилди ва тадқиқотларнинг айрим натижалар мақолада келтирилди. Таҳлиллар асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Таянч сўзлар:** олий таълим, педагогик технология, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим сифати, таълим самарадорлиги, педагогнинг АКТ компетентлиги, таълим муаммолари, электрон таълим ресурслари, лойиҳа технологияси, интернет.

---

**Аллаярова Солиха Нарзуллоевна**  
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
кандидат философских наук  
e-mail: s.allayarova@nuu.uz

**ПРИМЕНЕНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИКТ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

---

**АННОТАЦИЯ**

В статье исследуется роль педагогических технологий и современных ИКТ в высшем образовании. Подчеркивается, что педагогика и ИКТ влияют на современную образовательную парадигму и что, использование новейших результатов в развитии науки и техники является требованием времени. В этом отношении деятельность ЮНЕСКО является образцовой и описывает изменения и реформы в рамках национального законодательства.

В последние годы в Узбекистане разрабатывается и внедряется ряд механизмов подготовки высококвалифицированных специалистов. Однако в отрасли существует ряд проблем и недостатков. Социологическое исследование, проведенное в рамках проекта PЗ-20170929789 в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека, помогло выявить такие проблемы и недостатки, и некоторые из результатов исследования были представлены в статье.

**Ключевые слова:** высшее образование, педагогические технологии, информационно-коммуникационные технологии, качество образования, эффективность образования, компетентность педагога по ИКТ, проблемы образования, электронные образовательные ресурсы, технология проектирования, интернет.

**Allayarova SolikhaNarzulloevna**

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek  
candidate of philosophy  
e-mail:s.allayarova@nuu.uz

## APPLICATION OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES AND ICT AS A FACTOR OF IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION

### ANNOTATION

The article explores the role of pedagogical technologies and modern ICT in higher education. It is emphasized that pedagogy and ICT affect the modern educational paradigm and that the use of the latest results in the development of science and technology is a requirement of the time. In this regard, UNESCO's work is exemplary and describes changes and reforms within the framework of national law.

In recent years, a number of mechanisms for training highly qualified specialists have been developed and implemented in Uzbekistan. However, there are a number of problems and disadvantages in the industry. A sociological study conducted as part of the PZ-2017092929789 project at Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan helped identify such problems and shortcomings, and some of the results of the study were presented in the article.

**Keywords:** higher education, pedagogical technologies, information and communication technologies, quality of education, educational effectiveness, teacher competence in ICT, educational problems, electronic educational resources, design technology, the Internet.

Дунё таълимнинг ҳозирги манзарасида сунъий интеллект, ўқитишга янгича ёндашувларни ўзида жамлаган илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳим ўрин тутмоқда. Таълим олишнинг ҳамма учун очиқлигини таъминлашда АКТ асосий воситалардан бири бўлса, электрон ресурслар ва воситалар асос вазифасини бажаради. ЮНЕСКО ташаббуси билан 2017 йил 10-11 июлда Хитойнинг Циндао шаҳрида ўтказилган "Таълим - 2030" мавзусидаги халқаро форумда таълимда АКТни қўллаш истиқболлари муҳокама қилиниб, унда АКТ орқали таълим сифати ва даражасини ошириш қуйидагиларга боғлиқ эканлиги эътироф этилди:

- оммавий очиқ онлайн курслар, очиқ таълим ресурсларини билан боғлиқ иқтисодий омиллар;

- таълим олиш ва уни бошқариш учун барчага қулай бўлган АКТ структураси ва платформаси;

- зарурий педагогик ва АКТдан фойдаланиш салоҳиятига эга бўлган педагог-ўқитувчилар ва ҳоказо [1].

Таъкидлаш лозимки, ЮНЕСКО инсониятнинг таълим олиш имкониятларини замон билан ҳамнафас ошириб боришдаги ислохотларда етакчилик қилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг 4-8 март кунлари Парижда бўлиб ўтган "Мобиль таълим олиш ҳафтаси"да сунъий интеллектнинг барқарор ривожланишгатаъсири таълим

олиш контекстида таҳлил қилинди [2]. XXI аср ёшларининг билим олиш, касб ўрганиш имкониятларини замон талабларига мувофиқ тарзда ташкил этиш ҳар бир давлат ва тегишли ташкилотларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Таълимда АКТ имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича юртимизда сўнгги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358 сонли Қарорида келтирилган мақсадли дастурларнинг 2 ва 5-компонентлари ўқув жараёнини энг янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллариининг халқаро амалиётига мувофиқлаштириш ҳамда таълим, илмий ва маъмурий фаолиятнинг ягона ахборот майдонини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жиҳозлаш, контент билан тўлдириш вазифаларига бағишланган [3, б.6].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирларга кўра "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ахборотлаштириш концепцияси" ишлаб чиқилган. 2017 - 2021 йилларда олий таълим тизимини ахборотлаштириш стратегиясини белгилаш, таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва вазирлик фаолиятини ахборотлаштириш Концепциянинг асосий мақсади этиб белгиланган [4, б.1]. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистонда олий таълим ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, йўлга қўйишга асос бўлади. Бизнинг тадқиқотларимиз ҳам бевосита шу масала билан боғлиқ. Шу билан бирга, олий таълим ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самандорлигини оширишнинг долзарблигини қуйидаги бир нечта ҳолатлар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, XXI аср - юксак технологиялар асри, жамиятнинг бошқа соҳалар каби таълим соҳасига ҳам ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, улар воситасида таълим самандорлигини ошириш давр талабидир.

Иккинчидан, олий таълим - узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури бўлиб, олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълимнинг натижаси - юқорида келтирилганидек, юқори малакали мутахассислар билан белгиланади. Жаҳонда олий таълим муассасалари рейтинги ОТМ битирувчиларининг кейинчалик мутахассислик соҳасида эришган ютуқлари билан ўлчанмоқда. Бу кўрсаткич ўқиш мобайнида таълим олувчилар учун барча воситаларнинг тўғри ва самарали йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ.

Учинчидан, олий таълимда АКТ лардан фойдаланиш ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқариш, мониторинг қилишда самарали натижа беради. Талабалар билиминини ўзлаштириш ва баҳолашнинг объектив муҳитини яратишга хизмат қилади.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди бажарилаётган ПЗ-20170929789-сонли лойиҳаси режасига асосан 2019 йилнинг

апрель-май ойларида олий таълим муассасаларида илғор педагогик ва замонавий АКТлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича Тошкент шаҳар ва вилоятларда жойлашган жами 23 та олий таълим муассасасидан сўровнома ўтказилди. Сўровномада 632 та профессор-ўқитувчи, 921 та талаба жами 1553 та респондент иштирок этди. Сўровноманинг асосий мақсади сифатида олий таълим ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш белгилаб қўйилган. Тадқиқот объектини олий таълим ўқув жараёнида қўлланилаётган илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ҳолатлар ташкил этади. Шунга кўра АКТ ва педагогик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш қуйидаги тизимларга таъсир кўрсатишини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- сиёсий тизим - таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; фуқаролар томонидан таълимда педагогик ва АКТни қўлланилишига оид янгиликларнинг ижобий қабул қилиниши;

- ижтимоий тизим - ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий АКТларни қўлланилишига таълим субъектларининг тайёрлиги, мотивацияси, ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг узвийлиги;

- иқтисодий тизим - масала доирасида иқтисодий омилларнинг мавжудлиги, педагогик ва АКТни қўллаш орқали пайдо бўладиган иқтисодий имкониятлар, бизнес тузилмалари манфаатларининг қондирилиши;

- ҳуқуқий тизим - ўқув жараёнида АКТни қўллашга оид оптимал қонунларнинг мавжудлиги.

Социологик тадқиқот респондентларнинг қуйидаги тушунчалар ҳақидаги билим ва тасаввурларини аниқлашга ҳам хизмат қилди:

- олий таълим - узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади [5, б.4].

- ўқув режаси - олий таълимнинг муайян бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат [6, б.5];

- ўқув фани дастури- таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат [6, б.5];

- педагогик технология - ўқитишга ўзига хос янгича (инновацион) ёндашув бўлиб, ўқитиш воситалари ёрдамида таълим олувчиларга муайян шароит, кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида кафолатланган натижани шакллантириш жараёни [7, б.8];

- ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) - маълумотларни ўзида тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш воситалари орқали барча соҳаларда кескин ривожланишга имкон яратиб берувчи технологиялардир [8, б.32]. Таълимда талабаларнинг муайян йўналишдаги билим, кўникма, малакаларини такомиллаштиришда янги янги техник универсал дидактик восита;

- педагогик фаолият - таълим олувчилар тарбиясини мақсадга мувофиқ йўналтириш ва бошқариш учун турли таълим-тарбия муассасалари, катталар,

олдинги аждодлар, ота-оналар, ўқитувчилар, таълим муассасалари фаолиятининг умумлашмаси [9, б.1]. У авлодларни ҳаётга иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий-эстетик жиҳатдан тайёрловчи ижтимоий-педагогик ҳодиса;

- ўқув жараёни - ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро мақсадли ҳамкорлиги бўлиб, унда талабаларни ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш вазифалари ҳал этиш ҳамда барча компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича таълимни ташкил этиш [10, б.55,93];

- ўқитувчиларнинг АКТга оид компетенцияси - бу профессор-ўқитувчилар фаолиятини ташкил қилиш ва амалга оширишда ахборот технологияларини интеграциялаш учун зарур бўладиган лаёқат таркибидан иборат [11, б.12]. Касбий маҳорат - бу билимларни эгаллаш қобилияти билан боғлиқ бўлган ваколат. Ўқитувчиларнинг педагогик малакаси - таълим олувчиларнинг таълим натижаларини режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолашни ўз ичига олган ўқув жараёнини бошқариш қобилияти;

- таълим сифати - муайян мақсадга эришиш ва ҳаёт сифатини ошириш учун уларни қўллашнинг муайян шартларида олинган билимларга бўлган талаб бўлиб, таълимнинг мақсадлари ва натижаларининг замонавий ижтимоий талабларга мувофиқлиги, бу эса ўқувчиларнинг маълум миқдорда ўқув материалларини ўзлаштиришига, ўзлаштирилган ижтимоий тажрибадан фойдаланиш асосида фаолиятнинг турли соҳаларида муаммоларни мустақил ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган;

- таълим самарадорлиги - белгиланган ижтимоий мақсадларга мувофиқлиги мезонлари бўйича таълим фаолияти натижаларини тавсифловчи баҳолаш мезони ва ҳоказо.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича вазифалар белгилаб олинди:

-олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг амалдаги механизмни аниқлаш ва уни давр талаблари асосида янада такомиллаштириш;

-илмий асосланган ва тажрибада синаб кўрилган ахборот таълим муҳитини яратиш, ушбу механизмни такомиллаштириш йўллари ва педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш;

-ўқув жараёнида қўлланиладиган илғор педагогик ва замонавий ахборот коммуникациянинг технологияларидан фойдаланишда талабаларнинг эҳтиёжи ва таълим самарадорлигига мутаносиблигини таҳлил қилиш;

-ўқув жараёнида амалий машғулотларда талабаларнинг мустақил ахборот коммуникация ва глобал тармоқдан фойдаланишнинг ўзига хос томонларининг назарий ва амалий асосларини ўрганиш;

-ташкилий-педагогик ишларга оид ишлаб чиқиладиган тавсиялар, талаблар, функционал тузилмалар, механизмлар орқали унинг самарадорлигини таъминланиши кўзда тутилган.

Юқоридаги кўрсаткичларбўйичааниқланган айрим натижаларни таҳлил қилиб кўрамиз.Профессор-ўқитувчиларнинг илғор педагогик технологиялар ва актдан фойдаланиш имкониятига муносабати 1-расмда келтирилган.

Вилоят олий таълим муассасалари ўқитувчилари "Бугунги кунда сиз фаолият юритаётган ОТМда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва замонавий АКТдан фойдаланиш имконияти қандай?", дейилган саволга қуйидаги фоизларда жавоб

берган. 46 фоиз респондентлар саволга ижобий жавоб берган, бироқ, 8,4 фоиз профессор-ўқитувчилар "илғор педагогик ва замонавий АКТнинг аҳамияти ва бошқа фойдали тарафларини яхши тушунмайди" деб, 10,1 фоиз респондентлар эса "ОТМда шароит етарли эмас", деб жавоб беришган. 11,5 фоиз профессор-ўқитувчи "ОТМнинг моддий-техник базаси талаб даражасида бўлса-да, педагогларнинг компьютер саводхонлик ва педагогик технологияларни билиш даражаси етарли эмас", деб жавоб берган.

21,2 фоиз билан "ҳамма ўз имкониятини ишга солган ҳолда фойдаланади", деган жавоб ОТМларда илғор педагогик ва замонавий АКТларнинг фойдаланишнинг ҳамма учун мажбурий бўлган талаб ва меъёрлари мавжуд эмаслигини ва бу ҳолатнинг масъул раҳбарлар томонидан назорат қилинмаслигидан далолат беради. Таъкидлаш лозимки, бу ҳам олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлаётган катта муаммолардан биридир. ОТМ профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва АКТлардан самарали фойдаланиш компетенциясининг етарли эмаслиги респондентларнинг 19,9 фоиз таъкидлаб турибди (4 ва 5-жавоблар).


Бугунги кунда сиз фаолият юритаётган ОТМда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва замонавий АКТдан фойдаланиш имкониятини қандай деб ўйлайсиз?



### 1-расм. Профессор-ўқитувчиларнинг илғор педагогик ва АКТдан фойдаланиш имконияти.

Маълумки, ОТМнинг етакчилигини таъминлайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бу - профессор-ўқитувчиларнинг профессионал ва новацион билим даражаси. Умумий сўров натижасига кўра, деярли 20 фоиз ўқитувчи ўзининг педагогик ва АКТдан фойдаланиш савиясини қониқарсиз, деб баҳоламоқда. Бу олий таълимнинг энг оғриқли нуқталаридан бири эканлини таъкидламасдан иложимиз йўқ. Таълим берувчи, касб ўргатувчининг касбий савияси шу ҳолатда бўлса, таълим олувчининг билим ва кўникмалари қандай даражада бўлиши маълум. Демак, ОТМ профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва АКТлардан самарали фойдаланиш компетенциясининг етарли эмаслиги ҳам олий таълим тизими олдида ечимини кутиб турган муаммолардан бири эканлигини қайд этиш лозим.

Тадқиқот натижаларининг объектив бўлиши ва қўйилган масала бўйича умумий манзарани очиб бера олишига эришиш учун респондентлар ҳудуд ва контингент нисбатида танлаб олинди ва республиканинг барча вилоятларини қамраб олишга ҳаракат қилинди(2-расм).



## 2-расм. Тадқиқот ўтказилган вилоят ОТМлари ва уларнинг нисбати

Тадқиқотда аниқланишини кўзда тутилган асосий масалалардан бири - илғор педагогик ва АКТларни қайси жараёнда қўллайсиз, деган саволга респондентлар қуйидагича жавоб беришган (3-расм):



## 3-расм. Педагогик технологиялар ва АКТнинг қайси жараёнда қўлланилиши

Профессор-ўқитувчиларнинг 54 фоиз ўқув машғулотларини олиб боришда илғор педагогик ва замонавий АКТларни қўллашнинг таъкидлаган бўлса, 1,5 фоиз умуман қўлламаслигини эътироф этмоқда. Юқорида "педагогик технология" ва "ахборот-коммуникация технологиялари" (АКТ) тушунчаларининг таърифида келтирилганидек, бу икки тушунча мазмун-моҳиятига кўра таълим сифати ва самарадорлигини оширишга тўғридан-тўғри хизмат қиладиган воситалар эканлигини алоҳида таъкидлашни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Айрим фан ва мавзулар мазмунини тушунтиришда АКТларни қўллашга эҳтиёж ва зарурият бўлмаслиги мумкин, бироқ ахборот манбалари ва ҳажми кўпайиб бораётган ҳозирги кунда педагогик технологиясиз ўқув машғулотини ташкил этиш замонамиз ёшларини қониқтирмаслигини унутмаслик лозим. Педагогик технология, аввало, дарсни кетма-кетликда белгилаб олинган вазифалар асосида аниқ кафолатланган натижага йўналтиришини эътиборга олсак, ҳар хил турдаги (маъруза, семинар, амалий, лаборатория) ўқув машғулотларида қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш ўринли.


Иккинчидан, профессор-ўқитувчилар ўзлари ўқитадиган фанлар бўйича машғулот турлари ва таълим соҳалари (ижтимоий-гуманитар фанлар, аниқ фанлар, табиий



фанлар, техника фанлари ва ҳоказо) мазмунига кўра АКТни қўллаш имкониятларини ҳақида аниқ тасаввур ва тажрибага эга бўлиши лозим. Шундай экан, сўровда "педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан умуман фойдаланмайман", деб жавоб берган профессор-ўқитувчиларнинг ОТМ таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Олий таълим ўқув жараёнида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи қатор омиллар мавжуд. Шу масалада респондентларнинг фикри қуйидагича аниқланди (4-расм):

Фикрингизча, олий таълимда ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш учун нима энг муҳим саналади?



4-расм. Таълим сифати ва самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Жавобларнинг юқори 48,5 фоизини ахборот-коммуникация технологиялари - интернет уланган аудиториялар, зарурий техника жиҳозлари билан таъминланганлик ташкил қилмоқда. Демак, 1-расмда профессор-ўқитувчилардан сўралган "сиз фаолият юритаётган ОТМда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва замонавий АКТдан фойдаланиш имкониятини қандай деб ўйлайсиз", деган саволга берилган жавобларга таянадиган бўлсак, агар ОТМда ахборот-коммуникация технологиялари - интернет уланган аудиториялар, зарурий техника жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси яхши ёки талаб даражасида бўлса, таълим сифати ошиши мумкин. Жавобларда таълим мазмунини белгиловчи ўқув режа, дастурларнинг тўғри ишлаб чиқилишини 43 фоиз, ўқув жараёнини сифатли ташкил этилишини юқори компетентликка эга бўлган, изланувчан, новатор ўқитувчи билан боғлиқ эканлигини 37,4 фоиз респондентлар



таъкидламоқда.

Умуман олганда, олиб борилган тадқиқотлар натижасида олий таълим ўқув жараёнида педагогик ва АКТларни қўллаш самарадорлигини оширишда асосан қўйидаги иккита - субъектив ва объектив омил билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- биринчидан, сўров ўтказилган ОТМларда ўқув машғулотида педагогик ва АКТлардан талаб даражасида фойдаланмайдиган, педагогик технологиялар мазмуни, АКТ имкониятларини етарлича тушунмайдиган профессор-ўқитувчилар кам фоизда бўлса-да, фаолият юритмоқда. Таъкидлаш лозимки, уларда бу тўсиқ (камчилик)ни бартараф этишга ОТМ томонидан рағбат мавжуд эмас, ҳаракат қилиш учун мотивация йўқ (субъектив омил);

- иккинчидан, ОТМларда АКТдан фойдаланиш имконияти етарли даражада эмас, моддий-техник база талабга жавоб бермайди (объектив омил).

Олий таълим фуқаролар олдида замон талабларига мос тарзда ўзининг вазифаларни ҳар доим тўлиқ бажариши лозим. Шунга кўра, юқоридаги келтирилган муаммоларга нисбатан ўқув жараёнида педагогик ва АКТларни қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича қўйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг касбий фаолиятига масъулият билан ёндашиб, билим бериш сифатини ошириш мақсадида муттасил ўз устида ишлаши, профессионал кўникма ва малакасини ошириб бориши лозим. Бунда ўқитувчининг таълим ислохотларининг замонавий тенденцияларидан хабардор бўлиши, энг сўнгги инновацион ёндашувларни ўқув жараёнига олиб киришда фаол бўлиши талаб этилади.

2. ОТМ томонидан профессор-ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини баҳолашда педагогик ва АКТдан фойдаланиш компетенциясига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда ўқитувчининг дарсга тайёргарлик материаллари, шунингдек, кузатув, сўровлар асосида олинган натижалар асосида компетентлиги юқори бўлганлар рағбатлантирилиб, паст натижадагилар огоҳлантириб борилиши мақсадга мувофиқ;

3. ОТМларда соҳа ва йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар бир профессор-ўқитувчининг шахсий ривожланиш режаси (стратегияси)ни мақсадли амалга оширишини тўлиқ йўлга қўйиш лозим (бу тажриба айрим ОТМларда мавжуд). Бунда ўқитувчи ҳар 6 ой учун ўзининг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқади, белгиланган муддатда режалаштирилган ишларини амалга оширади. Режалаштирилган ишлар ўқитувчининг ўқув юкмасига мувофиқ бўлиши ўринли. Шахсий ривожланиш режаси шу жиҳати билан афзалликка эгаки, унда ўқитувчи ўзининг касбий камчиликлари, етишмаётган билим ва кўникмаларини эътиборга олган ҳолда режа тузади. Масалан, кимдир хорижий тилни ўрганишни режалаштирса, кимдир масофавий таълим орқали АКТдан қўллаш маҳоратини ошириш бўйича онлайн курсларда ўқишни режалаштириши мумкин ва ҳоказо.

4. Педагогик технологияларнинг ўқув жараёнини сифатли ташкил этишдаги асосий механизм эканлигига таянган ҳолда, ОТМларда барча мутахассислик фанларини ўқитишда лойиҳа технологияси асосида таълим беришни ташкил қилиш, шу асосда ишлайдиган ишчи дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Лойиҳа технологияси ўқув курсини босқичма-босқич ўзлаштирилишини таъминлайди, талабаларда тадқиқотчилик кўникмасини шакллантиради. Лойиҳа технологияси оралиқ назоратларни белгиланган муддатда топширилишини таъминлайди. Шу билан бирга, ушбу технология амал қилиш мазмунига кўра, ўқув жараёнида ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошишига ва АКТдан самарали фойдаланишга сабаб бўлади.

5. ОТМ профессор-ўқитувчиларининг йиллик юкмасига ўзлари ўқийдиган

фанлар бўйича ўқув-методик базани яратиш, бойитиш, такомиллаштиришни киритиш. Бунда нафақат янги ўқув адабиётларини яратиш, балки мавжудларининг аудио-медиа форматларини дастурлаш, истиқболда онлайн курслар учун методик база вазифасини бажара оладиган электрон манбаларни яратиш назарда тутилади. Ушбу вазифалар профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкмасида акс эттирилиши ва ОЎТМВ томонидан белгиланадиган Вақт меъёрларига мос соатлар кесимида киритилиши лозим. Бу ўқитувчининг дарсга тайёргарлик даражасини оширади.

## Адабиётлар

1. <https://en.unesco.org/themes/ict-education/international-forum-2017>.
2. <https://en.unesco.org/news/mobile-learning-week-2019-deciphering-impact-artificial-intelligence-education>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2019 й. ПҚ-4358 сонли "2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. -Т.: 2019.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2017 й. ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори. <https://nrm.uz/contentf>.
5. Олий таълимнинг Давлат Таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 343-сонли Қарори. 16.08.2001 й. <http://www.lex.uz/docs/361387>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2015 йилдаги 3-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2015 й., 2-сон, 21-модда.
7. Омонов Х.Т. ва бошқалар. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. -Т.: ТМИ, 2012.
8. Яковлев А.И. Информационно-коммуникационные технологии в образовании // © Информационное общество, 2001, вып. 2, с. 32-37. <http://emag.iis.ru/arc/infosoc/emag.nsf/BPA/bce6d4452de1cad0c3256c4d005253d0>
9. [http://koi.tspu.ru/koi\\_books/Fayzulaeva/8.htm](http://koi.tspu.ru/koi_books/Fayzulaeva/8.htm)
10. Олешков М.Ю., Уваров В.М. Современный образовательный процесс: основные понятия и термины. - М.: Компания Спутник, .2006.
11. Аскарлов А. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларига оид компетенциялари // Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида илгор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши: амалиёт ва истиқболлар. Республика конференцияси материаллари. -Т.: Университет, 2018. - 394 б.
12. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. ЎЗР Президенти Ш.Мирзиёвнинг асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар. -Т.: Ёшлар нашриёт уйи, 2019. - 156 б.
13. Педагогическая технология / Под ред. Кукушкина В.С. -Серия "Педагогическое образование". - Ростов на Дону: Издательский центр Март, 2002. - 320 с.
14. Авлиёкулов Н., Мусаева Н. Педагогик технология. -Т.: Тафаккур бўстони, 2012. - 208 б.
15. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. - М.: Изд-во Педагогика, 1995. - С. 60-72.
16. Болотов В.А. Основные направления информатизации общего образования // Вестник образования. - 2003.-№ 4. - С.28-32.
17. Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании. - М.: Просвещение, 2005. - 234с.
18. Дендев Б. Информационные и коммуникационные технологии в образовании . -М.: 2014. <https://www.twirpx.com/file/1511035/>.
19. Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании. / Под ред. БадарчаДендева. -М.: ИИТО ЮНЕСКО, 2013. - 320 с.
20. Зенкина С.В. Информационно-коммуникационная среда, ориентированная на новые образовательные результаты. - М.: Просвещение, 2007. - 80 с.
21. Ямалетдинова А.М., Медведева А.С. Современные информационные и коммуникативные технологии в учебном процессе // Педагогика и психология. <https://cyberleninka.ru/article/v/sovremennye-informatsionnye-i-kommunikatsionnye-tehnologii-v-uchebnom-protse>.